***Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 117 йиллигига***

Қайта қуриш—жамият ҳаётининг барча соҳаларида омманинг жонли ижодкорлигига таяниш, демократияни, социалистик ўз-ўзини бошқаришни ҳар томонлама ривожлантириш, ташаббусни, фаолиятни рағбатлантириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, ошкораликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтириш демакдир.

(КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми материалларидан).



В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида.
В. МОЛГАЧЁВ фотоси.

# Ленин ҳақида

***

Лениннинг ҳаётга бўлган ва равшан ифода этилган иродаси ва турмушдаги қабиҳ нарсаларга аччиқ нафрати мени хайратда қолдирар, мен унинг ҳамма ишни чечанлик билан бажаришини кўриб роҳатланар эдим. Унинг одатдан ташқари ишчанлиги мени қойил қолдирар эди. Унинг ҳаракатлари дадил ва ихчам эди, лекин унинг кучли қўл ҳаракатлари, сўзи ғоят бамаъно нутқига жуда мос тушар эди.

М. ГОРЬКИЙ.

***

Энг яхши сиёсат— принципиал сиёсатдир. Маркс таълимотининг раҳбар принциплари билан жуда яхши қуролланган Владимир Ильич, бу маънода, жуда яхши сиёсатчи эди.

Г. М. КРЖИЖАНОВСКИЙ.

***

Мен бу киши нотиқ сифатида кучли ва унутилмас таассурот қолдира олишини тушундим. Ленин ўз услубининг жуда равонлиги, ҳар қандай фикрни, ҳатто мураккаб фикрни ҳам ҳайрон қоларли даражада содда қилиб тушунтириб бера билиши ва бу фикрни энг авом, ниҳоят, сиёсий фикр юритишга унча одатланмаган одамга ҳам яққол тушунарли қилиб турлича баён қилиб бера олиши туфайли нақадар кучли публицистлигини мен илгаридан билар эдим.

А. В. ЛУНАЧАРСКИЙ.

***

Владимир Ильич чинакам устоз эди. У билан мулоқотда бўлишнинг ўзи тўғридан-тўғри тарбиявий роль ўйнарди. У ўзининг ҳар ишда ўрнак кўрсатиши билан, ўз кўрсатмалари, ўз раҳбарлиги билан, шахс сифатидаги бутун қиёфаси билан бизга таълим берар эди.

Г. В. ЧИЧЕРИН.

# ҚАЙТА ҚУРИШ—ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ

## Ҳаракат қилиш даври

Ҳар куни шаҳримизнинг бош кўчаси — Ленин проспектидан ишга йўл оламан. У ғоят кўркам, озода ва серфайз. Ҳар бир навоийлик тақдирида, қалбида унинг алоҳида ўрни бор десам муболаға бўлмайди. Архитекторлар ҳам уни шундай лойиҳалаштиришганки, шаҳримиздаги аксарият кўчалар бу проспектга келиб туташади.

Навоийга келганимга чорак аср бўлди. Бу пайтда шаҳарни қуришга энди киришилган эди. Атроф бийдай чўл, офтоб ҳароратида жизғанак бўлиб ётар эди. Ушанда биз шаҳарнинг истиқболдаги қиёфасини ўзимизча хаёл қилар эдигу, лекин унинг қандай манзара касб этишини аниқ тасаввур қилолмасдик. Бир шоир пайти келиб бу ердаги кўлда оқ чорлоқлар учиб юрарди деганда эса кулиб қўяқолгандик.

Амалда хаёлларимиздан кўра гўзал ва замонавий шаҳар бунёдга келди. Боғ-роғлар ва кўлда қушларнинг соз қийқириқлари таралиб турибди. Табиийки, амалга оширилган катта ишларнинг меъмори — инсон ақл-заковати, унинг қўллари. Қурилган уй-жой, маданий-маиший биноларда биз қурувчилар бригадамиз аъзоларининг ўзига яраша ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Чунки ўтган йиллар мобайнида 100 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган ажойиб шаҳарнинг юзага келишида фаол иштирок этдик.

Бригадамиз пудрат усулида ишлайди. Бу объектларни тез ва соз топшириш имконини бермоқда. План ва мажбуриятларимизни доимо ортиғи билан бажаряпмиз. Биринчи кварталда 80 квартирали 2 та уй-жой биносини фойдаланишга топширдик. В. И. Ленин туғилган кунгача зиммамиздаги вазифани 120 процентга бажарамиз деб аҳд қилган эдик. Ваъдани белгиланган вақтда уддаладик.

Ишимизда камчилик ва муаммолар йўқ эмас. Энг асосийси уй-жой биноларини янада яхшилашимиз лозим. Тўғри, қурувчиларимиз ҳамиша касб-маҳоратларининг юксаклиги, кўркам ва бетакрор бинолар қурганликлари билан машҳур. Бироқ гуручда курмак бўлганидек йўл қўйилаётган жузъий хатолар туфайли кишиларнинг дилини ранжитаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. У айниқса 9- ва 10-микрорайонларни тиклашда кўпроқ сезилиб қолди. Бошқармада бундай нуқсонларни бартараф этишнинг конкрет чоралари ишлаб чиқилган. Энди ҳамма гап уларни ҳаётга тўла татбиқ этишда қолган.

Қайта қуриш даврида яшаяпмиз. Бошқармамиз бинокорлари ҳам бутун фаолиятларини қайта қуриш, биноларни юксак сифат, тез суръатларда бунёд этишнинг жадал йўлларини талабчанлик ва изчиллик билан излаяптилар. Астойдил ҳаракат қиляптилар. Негаки ҳозирги даврда ҳаракат ва ҳаракатгина муваффақиятларнинг асосий омили, ленинча партия сиёсатининг бош талабларидан биридир.

Г. ПОДВОРЧАН,
Навоий қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи, Навоий область партия комитети аъзоси.

## ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

**КПСС Марказий Комитети халқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг барча резерв ва имкониятларидан оқилона фойдаланишга эътиборни кучайтиришни талаб этяпти. Шаҳар партия комитети меҳнат ресурсларидан фойдаланиш борасида илгари мавжуд бўлган сусткашликни бартараф этиш учун қатъий ҳаракат қилмоқда.**

Маълумки шаҳарда меҳнатга яроқли аҳолининг бир қисми ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмас эди. Унинг бир қатор сабаблари бўлиб, энг асосийси — меҳнат ресурсларининг ўсиши ишчи ўринларининг кўпайиши билан мутаносиб эмаслигида эди. Бир мисол: 1981—1985 йиллар давомида шаҳарда саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганлар сони 2200 кишига ортди. Аҳоли сони эса қарийб 5 баравар кўп— 10 минг 200 кишига ўсди. Бунинг устига мактабгача тарбия болалар муассасаларининг камлиги аёлларни завод ва фабрикаларга тўлиқ жалб этишга тўсқинлик қилар эди. Бу ҳол Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ўрганилди. Қўқон шаҳар партия комитетининг малакали ишчи кадрлар тайёрлашга раҳбарлик фаолиятидаги жиддий камчиликлар кўрсатилди.

Шаҳар партия комитети ўринли танқиддан тўғри хулоса чиқарди. Мавжуд меҳнат ресурсларини ҳаракатга келтириш, одамларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тўлиқ жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича бир қатор тадбирлар белгиладик. Ўтган йилнинг ўрталарида шаҳар бўйича аҳоли рўйхатга олинди. Унинг натижаларига кўра шаҳримизда бир неча минг кишининг ишлашга хоҳиши бўлгани ҳолда турли сабабларга кўра ишга жойлаша олмаётганлиги аниқланди. Айни пайтда саноат корхоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқларда яшовчи 10 мингдан зиёд киши қатнаб ишлайди. Бу эса ортиқча харажатларга олиб келиши табиийдир. Корхоналарнинг ишчи кучига эҳтиёжини ўрганиб, икки йилга мўлжалланган комплекс план ишлаб чиқдик. Бунда энг аввало саноат корхоналарини икки-уч сменали иш режимига ўтказишга алоҳида аҳамият бердик. Барча корхона ва ташкилотлар бошланғич партия ташкилотлари ўз корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг аҳволини, дастгоҳлардан фойдаланишнинг аҳволи ва смена коэффициенти даражасини чуқур таҳлил қилиб чиқдилар ва ўзларига лозим бўлган даражадаги ишчи кучларига талаб ҳақида маълумотларни шаҳар партия комитетига тақдим этдилар.

Бу албатта ўз ижобий натижаларини берди. 1986 йилнинг ўзида 4 та корхона уч сменали иш режимига ўтди. 8 та корхонада эса дастгоҳларнинг смена коэффициенти 1,5—2 гача ортди. Ўтган йилнинг ўзида шаҳар саноатида пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда икки сменали иш режимига ўтишнинг аҳамияти катта бўлди.

Албатта кўп сменали иш режимига ўтиш даврида бир қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келди. Масалан, тунги сменада ишловчиларга транспорт, савдо, маиший ва медицина хизмати кўрсатиш вазифасини бирмунча қатъийлик билан ҳал этишга тўғри келди. Шаҳар автобус паркига, халқ маорифи бўлимига, медицина ходимлари ташкилотларига кўрсатмалар берилди.

Шаҳар Совети ижроия комитети худди шу борада ҳозир ҳам пайдо бўлиб турган айрим камчиликларни ҳал этиш учун қатъий иш олиб боряпти. Ҳозирги пайтда 10 автобус парки, шаҳар халқ маорифи бўлими, болалар боғчалари ва яслилари ишини икки ва уч сменада ташкил этиш бўйича бир қанча ишларни амалга оширдилар.

Шуни айтиш керакки, Қўқон шаҳрида меҳнат ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланиш масаласи ҳали шаҳар партия комитетининг кун тартибидан тушгани йўқ. Ўн иккинчи беш йилликда янги саноат корхоналарини фойдаланишга топшириш билан бирга бир қатор эскитдан ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга ҳам алоҳида аҳамият беряпмиз. Бу эса аввало ишчи ўринлари сонини кўпайтириш билан бир пайтда жисмоний ҳамда маънавий эскирган дастгоҳларни янгилаш вазифасини ҳам амалга ошириш имконини беради. Келгусида яна 10 минг кишини қўшимча равишда ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш мумкин бўлади.

Шаҳар партия комитети бу борада тўпланган дастлабки иш тажрибаларини пухта ўрганиб, уни кенг оммалаштириш, меҳнат ресурсларини тўлалигича ҳаракатга келтиришнинг барча резерв ва имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлидаги изланишларни собитқадамлик билан давом эттираверади.

Ҳ. МУСАБЕКОВ,
Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

## ОШКОРАЛИК

**Илдизи ердан узилган дарахт қуриб қолганидек, оммадан ажралган раҳбар узоққа бора олмайди. Доҳиймиз В. И. Ленин буни яхши билар, кишилар билан мулоқотда бўлиш, халқнинг овозига қулоқ солиш ва талаб-эҳтиёжларига сезгирлик билан қараш зарурлигини ҳамиша уқтирарди. Партиямиз доҳийнинг бу кўрсатмаларига оғишмай амал қилмоқда.**

Мен, ишлаб чиқаришни ўзимиз бошқаряпмиз, десам, хато қилмаган бўламан. Корхонанинг ҳақиқий хўжайини, қайта қуришнинг актив, бунёдкор кучи эканлигини ҳар бир ишчи чуқур ҳис қилади, самарали ва сифатли меҳнат билан умумий ишга кўпроқ ҳисса қўшишга интилади. Ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда ишчиларнинг активлиги ошяпти, маъмурият ва жамоат ташкилотлари ишида ошкоралик, ўзаро талабчанлик, камчиликларга муросасизлик муҳити қарор топаётир.

Бизда цехларнинг раҳбарлари, 24 та бригаданинг бошлиқлари очиқ овоз бериш йўли билан сайлаб қўйилган. Ипак ишлаб чиқариш цехи комплекс бригадасининг бошлиғи А. Агабуллаев бригадирлар кенгашига раҳбарлик қилади. Ҳамма бригадалар хўжалик ҳисобига ва уч сменада ишлашга ўтган. Ишлаб чиқаришнинг етилган муаммолари, ишга қабул қилиш, бирор сабабга кўра ходимнинг вазифасини ўзгартириш ёки ишдан бўшатиш, илғорларни мукофотлаш, тартиб бузган кишини жазолаш ва бошқа масалалар бригада коллективи розилиги билан ҳал этилади. Партия, касаба союз, комсомол йиғилишлари, ишчиларнинг йиғинлари ошкора, очиқчасига фикр олишув, танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтади.

Битта мисол келтираман. Чиқиндиларни қайта ишлаш цехи бошлиғи сайланадиган бўлди. Бу ўринга конкурс бир ой давом этди, бир неча номзод кўрсатилди. Ишчилар йиғилиши қарорига кўра икки номзод маъқулланди. Шу цех мастери М. Тўлаев малакали, тажрибали ходим, ишлаб чиқариш жонкуяри эканлиги қайд қилиниб, айни вақтда ишчиларнинг социал-маиший эҳтиёжларига бефарқ қараб келганлиги танқид қилинди. Иккинчи номзод, катта мастер Б. Солимовда тажриба етишмаслиги, ташкилотчилик маҳорати такомиллашмаганлиги рўй-рост айтилди, буни унинг ўзи ҳам эътироф этди. Ниҳоят М. Тулаев цех бошлиғи қилиб сайланди. У танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ишлаб чиқаришга моҳирона етакчилик қилиш билан бирга ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Цехда дам олиш хонаси барпо этилди, умумий овқатланиш, маиший хизмат яхши йўлга қўйилди.

Мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш, ишлаб чиқариш илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, қолоқлик сабабларини коллектив иштирокида таҳлил қилиш, йиғилишларда раҳбарлар ва мутахассисларнинг ҳисоботини тинглаш ижобий самаралар бермоқда. Бизда ишчилардан яшириладиган ҳеч қандай сир йўқ, ҳамма иш умумий фикрлашув, ўзаро маслаҳат билан битади. Шу боисдан ўзимиз белгилаган режаларни, ўзимиз қабул қилган мажбуриятни бажариш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.

Корхонамиз коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар қабул қилиб, зарбдорчасига ишлаяпти. Биринчи кварталпи яхши якунладик. Маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 11,3 процент ўсди. СССР Олий Совети депутати Гулжон Раҳимова, шунингдек, Жамила Полвонова каби ипак ўровчиларимиз ҳозир май ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

О. ЮСУПОВА,
Урганчдаги КПСС XXV съезди номли пиллакашлик фабрикаси ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

**Октябрь ғалаба қилиб, халқ ҳокимияти зафарли юриш бошлаганига 70 йил тўляпти. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ҳимоя қилинадиган социализм ана шу давр мобайнида ривожланди. Доҳий Владимир Ильич Ленин халқ ҳокимиятини тузар экан энг адолатли, энг инсонпарвар, гуманизм барқарор бўлган жамиятни вужудга келтирди.**

Демократия — социализмнинг асосидир. Демократия халқ ҳокимиятининг туб мазмунини белгилайди. Шу кунларда муҳим сиёсий кампания боряпти — халқимиз демократиянинг янги қирраларини ўз номзодларини маҳаллий Советларга вакил қилиб сайлаш жараёнида кашф этмоқда.

Хўжалигимиз меҳнат коллективларидан қишлоқ Совети депутатлигига 40 нафар, Ҳ. Олимжон сайлов округидан эса уч нафар номзод кўрсатиладиган бўлди. Ильич номли колхознинг 1-бригада аҳли коллективдан кўрсатиладиган уч номзоднинг бирини дарҳол рад этишди. Икки нафар депутатликка номзод бригада коллективи ўртасида қизғин муҳокама қилинди.

Чорва инженери Ўринбой Қурбонбоев ва ер ўлчовчи техник Машарип Каримовлар номзодини муҳокама қилган коллектив: «Машарип биздан номзод бўлсин. Чунки у ҳар бир оиланинг аҳволини яхши билади. Биз ҳам уни яхши танийимиз», — дейишди.

Қишлоқ Совети сайловларига бу ердан депутатликка номзод кўрсатилаётган пайтда барча сайлов округларида депутатликка номзоди бўлганлар коллективлар томонидан мана шундай қизғин муҳокама қилинди. Номзодларнинг оилавий аҳволи, ахлоқи, меҳнат фаолияти, маълумоти — барчаси коллективлар диққат-эътиборида бўлди.

Демократия ошкораликнинг ёрқин кўриниши, қайта қуришнинг асосидир. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумидан кейин демократиямизнинг янада чуқурлаштирилиши, ҳар бир меҳнат коллективининг ўз-ўзини бошқариши учун тўғри, принципиал кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун жуда катта имкониятлар яратилди. Колхозимизда ҳам йиллар давомида лавозимларни эгаллаб, янгиликка интилмаётган, халқнинг ҳаракатини ҳис қилмаётган баъзи раҳбарлар ўз постларига лойиқ эмас деб топилди. 18 бригаданинг барчасида бригадирлар сайлов йўли билан сайланди. 11-бригадада бўлиб ўтган сайлов айниқса кўпчиликда катта таассурот қолдирган эди. Собиқ бригадир Ю. Абдуллаев умуман ер билан, одамлар билан тиллашмай қўйди. Коллективда меҳнат интизоми бузилди, ер издан чиқди. Планларнинг сурункасига барбод бўлганлиги туфайли ҳам колхоз правлениеси бригадирни алмаштиришни лозим деб топди. Правление бригадирликка икки номзодни кўрсатган эди. Бригада аҳли механизатор Э. Яҳёев ва Ў. Матёқубовларга яширин овоз беришди. Шунда Ў. Матёқубов сайловда кўп овоз олиб сайланди.

Айни сайловолди ишлари кетаётган шу кунларда ўз юртининг хўжайини бўлиш, бутун масъулиятни зиммага олиш туйғусини қарор топтириш ишига катта аҳамият берилиши лозим деб ўйлайман. Одамлар ҳақиқатан ҳам ошкора фикр билдирмоқдалар. Бу ошкораликни кучайтириш демократиямизни чуқурлаштиради. Бундан эса халқ ҳам, партия ҳам, мамлакат ҳам манфаатдор, албатта.

Юбилей йилида бригадамиз аъзолари 57 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,2 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилганлар. Чигит экиш ёппасига бошлаб юборилди. Бригадамиз аъзолари чигит экишни 5—7 иш кунида тугаллаш устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати ва бригадир сифатида халқнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиляпман. Яқинда мен учун яна бир кутилмаган воқеа юз берди. Бригадамиз меҳнат аҳли қишлоқ Совети депутатлигига ҳам менинг номзодимни маъқул кўришди. Бу ишончни ҳам албатта оқлайман.

З. ОРТИҚОВА,
Тўрткўл районидаги Ильич номли колхознинг бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати.

## ИШЧИЛАР ИЖОДКОРЛИГИ

**Совхозимиз коллективи яқинда ўзининг эллик йиллик юбилейини нишонлади. Хўжалигимизнинг ярим асрлик тарихи ленинча миллий сиёсат тантанасининг намунасидир. Совхоз ишлаб чиқаришида ўндан зиёд миллат вакили ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқда.**

Беш йилликнинг дастлабки йилида Бутуниттифоқ фондига 2636 тонна эртанги узум етказиб бериб, интернационал бурчимизга садоқатни намойиш қилдик. Бу соҳадаги йиллик план 127 процентга уддаланди. Область аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун 24 минг тонна узумни қишга ғамладик. Январь ойининг охиригача давлат дўконларида маҳсулотимиз билан савдо қилинди. Совхозимизда рентабеллик даражаси 43,7 процентга етди. Бундай муваффақиятлар туфайли республика мусобақасида ғолибликка эришиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олдик.

КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасидан илҳомланиб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини янада салмоқли натижалар билан якунлашни кўзламоқдамиз. Шу мақсадда ишчилар ўртасидаги социалистик мусобақага жонли тус бериш, уни ҳар қандай расмиятчиликдан халос қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Ажойиб соҳибкорларимиздан Т. Отамуродов, У. Ойназаров, Р. Ярашев, С. Соҳибов кўп йиллик тажрибага янгилик куртакларини бахш этмоқдалар. Айниқса Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Р. Ярашев бошлиқ бригада узумнинг хўраки навларини етиштиришда яхши тажриба тўпламоқда. Ўзбек қизи Х. Ашурова, туркман фарзанди Ч. Ражабоев, турк йигити Билол ўғли Умаров, украиналик опамиз М. Никитина ва бошқа миллат фарзандлари мазкур тажриба мактабида ўз маҳоратларини ёшларга етказмоқдалар.

Касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан маҳорат мактаби машғулотларига оммавий тус берилган. Совхоз клубида ҳар ойда мунтазам равишда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш муаммоларига бағишлаб, давра суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиляпти.

Мусобақа илғорлари шарафига байроқ кўтариш, ғолиблар расмини ҳурмат тахтасига қўйиш, пешқадамлар меҳнатини пул ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлаш яхши самара беряпти. Эришилган натижалар ошкоралиги, муваффақиятларнинг маънавий ва моддий тақдирланиши ижодкорлик тўлқинини авж олдирмоқда.

Меҳнатга ижодий муносабат ишлаб чиқаришимиздаги муаммоларни ўткир қилиб қўймоқда. Бундан илгари совхозимиз асосан виночиликка ихтисослашган эди. Партия даъватига жавобан ҳамма жойда ичкиликбозликка қарши кураш авж олган бир пайтда биз ҳам бундай маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатдик. Лекин, вино ўрнига турли хил узум шарбатлари, чанқоқбосди ичимликлар тайёрлаш учун ускуналарга эга эмасмиз. Республика Давлат агросаноат комитети раҳбарлари бу масалани ижобий ҳал қилиш учун суст ёрдам кўрсатмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми қарорларига асосан бу соҳада раҳбарлардан конкрет амалий ёрдам кутамиз.

М. МАВЛОНОВ,
Бухоро районидаги «Галаосиё» совхоз-заводи касаба союз комитетининг раиси.

## Қалбим ардоғида

Бу йил доҳий таваллуди куни ўзгача шукуҳ, янгича мазмун кашф этмоқда. Доҳийнинг инсон қадр-қиммати, бахт-саодатини барқарор қилувчи ғоялари ҳозирги қайта қуриш даврининг алоҳида мазмунига айланди.

Узоқ йиллар давомида «Ҳужум» ҳаракатини ўргандим. Унинг қат-қатларида доҳий ўгитлари мужассам. Фақатгина бизнинг областимизда 180 минг нафар хотин-қиз юксалиш учун хизмат қилаётгани, уларнинг икки нафари мамлакат Олий Советида мухтор вакила, 22 нафари эса республикамиз Олий Совети депутати, 5 минг хотин-қиз маҳаллий Советларга депутат, 114 нафари партия органларига сайланган... Эҳ-ҳе, бундай ишонч, бахт ёрлиғи озмунчами!

Мен Самарқанд давлат университетида ишлайман. Шу боис фан соҳасига ҳам бугунги қутлуғ тонгда бир назар солмоқчиман. Самарқандда қанчадан-қанча олим, олималар улғайди. Улар айни кунда доҳий васиятини идрок этиб, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги учун қайғурмоқдалар. Доҳийнинг улуғ ғоялари ғалабасини таъминлаш истагида яшамоқдалар.

Мен ҳар куни, ҳар лаҳза доҳийга ҳисоб бериб яшасак дейман. Агар шундай бўлганда эди, биргина «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасида 1200 нафар дугоналарим, сингилларим оғир қўл меҳнати билан банд бўлиб қолишмасди. Олимлар, мутахассислар, афсуски, бу хусусда бирор тўхтамга келмадилар. Корхона реконструкцияси йилдан йилга ортга сурилмоқда. Хўш, шойи тўқиш бирлашмасида инқилоб давридан қолган ускуналар ишлатилса, хотин-қизларга оғирмасми! Пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик борасидаги юмушларнинг асосий қисми ҳам уларнинг гарданида. Агар доҳий сиймосини, номини қалбимиз ардоғида эъзозлаб, унга ҳисоб бериб турсак, бу муаммолар ечимини топамиз.

Ҳуррият бахт-саодат келтирди. Инқилоб келажак машъали бўлди. Қайта қуриш даврида ҳам унинг ўз ўрни, йўлчи юлдуздек чорловчи аҳамияти бор. Ҳар доим ҳам буни ҳис қилолмаяпмиз. Олимларимиз баъзан шуҳрат кетидан қувишади, қўша-қўша диссертациялар ёқлашади. Сафимиз кенгаяверади, ишлаб чиқариш, социал тараққиёт эса орқада. Фан замон талабига ҳадеганда жавоб бермай қоляпти. Келинг, шу қутлуғ тонгда нега бундай бўлганини таҳлил тарозисига солайлик. Доҳий сиймоси олдида бош эгиб, бу нуқсонларни бартараф этишга қодирмиз дея қасамёд қилайлик. Унинг бой назарий-амалий меросини давр нафаси билан тўлдириб, янада бойитайлик.

Ф. ҲАЙДАРОВА,
тарих фанлари доктори.

## Алоҳида китобча қилиб нашр этилди

Сиёсий адабиёт нашриёти «М. С. Горбачев. Ёшлар— революцион янгиланишнинг ижодкор кучи. 1987 йил 16 апрелда Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XX съездида сўзланган нутқ» китобчасини босиб чиқарди.

(ТАСС).

